

«Муъоз ибн Жабал Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқир, сўнгра қавмига келиб, уларга ўша намозни ўқиб берар эди. Уларга Бақара(сураси)ни (зам сура қилиб) ўқиб берди. Шунда бир киши (жамоатдан) ажраб чиқиб, (алоҳида ўзи) енгил намоз ўқиб олди. Муъозга бунинг (хабари) етгач:

«Албатта, у мунофиқдир», деди. Ўша (гап) ҳалиги одамга етди. Шунда у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Албатта, биз қўлларимиз билан меҳнат қиладиган ва обкаш туяларимиз билан (экинларимизни) суғорадиган қавммиз. Муъоз кеча (кечқурун) бизларга намоз ўқиб берди. (Унда) Бақарани ўқиди. Шунда (жамоатдан) ажраб чиқдим. У мени мунофиқ деб ўйлабди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Муъоз, сен фитначимсан?! - деб уч марта айтдилар ва унга: - «Ваш-шамси ва зуҳаҳа» ва «Саббиҳисма роббикал-аълаа» ва шуларга ўхшашларини қироат қилгин», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Бомдоддан бошқада биринчи ракъат қироатини чўзиб юбормайди.

Чунки бомдод вақтида кўпчилик ғафлатда бўлади. Кўпроқ одам жамоатга етиб олсин, деган мақсадда қироатни узун қилинади. Қолган намозларда бомдоддагига ўхшаб биринчи ракъатни иккинчисидан кўра чўзиб юбормайди. Аммо уч оятгача чўзилса, ҳечқиси йўқ.

Муқтадий бир киши бўлса, унинг ўнг тарафида туради.

Унинг оёқ бармоқларининг учлари имомнинг товони билан баробар бўлади. Агар оёқлари бир текис турса ҳам жоиз, фақат олдинга ўтиб кетмаса бўлди.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди